Аллоҳ таоло қушларга ато этган қобилият

12:00 / 16.03.2021 3185

Аллоҳ таоло яратган барча махлуқларини қаерда яшашини ирода қилган бўлса, уларга ўша ерда яшаш учун керак бўладиган барча нарсаларни яратган. Шунингдек, Роббимиз ҳар бир махлуқининг ризқини Ўзи етказиб туради. Аллоҳ таоло ҳар бир жонзотга ато этган ризқни ўша жонзот топиб, истеъмол қилиши учун Роббимиз уларга ризқ топишда керак бўладиган жиҳозларни берган. Жонзотлар ўзларига берилган аъзолар, жиҳозларни ишга солиб, ризқларини топиб, тутиб, овлаб истеъмол қиладилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

وَمَا مِن دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا ۚ كُلٌّ فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ

«Ер юзидаги жонзот борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг қароргоҳларини ҳам, сақланиб турадиган жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобда бордир» *(Ҳуд сураси, 6-оят)*

Аллоҳ таоло махлуқлари ризқ топишда қийналмаслиги учун улардан баъзиларига узун тумшуқ, баъзиларига кенг оғиз, баъзиларига ўткир тирноқ кабиларни ато этган.